O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY AVTOR. PALATASI INV.№

O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 29-iyun • Seshanba • 76 (31.196) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Қирғизистон жанубида ўзбек миллатига мансуб аҳолига нисбатан содир этилган хунрезликларни биз, Кембриж шаҳрида, чуқур қайғу ва алам билан кузатдик. Мен шунга аминманки, Сиз биздан кўра кўпроқ ташвишга тушгансиз ва изтироб чеккансиз.

Бундай мусибатли дамларда Ўзбекистон халқи ўзининг метин иродасини намоён қилди, Сизнинг тезкор ҳаракат қилиш ва шу қадар кўп одамларга зудлик билан зарур ёрдам кўрсатишни таъминлаш борасидаги қарорингиз улкан тарихий воқеа бўлди. Сиз ва Ўзбекистон халқи билан ҳамкорлик бизга катта фахр-ифтихор бағишлайди. Сиз Ўзбекистон минтақада барқарорлик маёғи эканини, теранлик, донолик ва вазминлик билан мушоҳада юритишни яна бир бор намоён этдингиз. Сиз ўз куч-ғайратингиз ва ресурсларингизни жабрдийдаларга ёрдам кўрсатишни таъминлашга сафарбар қилдингиз. Том маънодаги йўлбошчиликнинг асл моҳияти мана шундан иборат. Биз умид қиламизки, Сизнинг бундай фазилатингиз бутун дунё мамлакатлари раҳбарларига ўрнак бўлади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак ҳурмат-эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром ила,

Сидхарт САКСЕНА,
Кембриж университети профессори,
Марказий Осиё бўйича
Кембриж форуми раиси

Зиёдилла НОРМУРОДОВ олган сурат.

Академия битирувчилари хизматга йўл олди

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

■ Пойтахтимиздаги марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Қуролли Кучлари академиясининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонлари топширилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган маросимда академия ўқитувчилари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари, битирувчиларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Қуролли Кучлар академиясида олий тоифали, қўшинлар бошқарувига қодир офицерлар тайёрлаш учун барча зарур шарт-шароит яратилган.

— Академиядаги икки йил ўқув давомида ҳарбий хизмат пайтида эгаллаган билим ва тажрибам янада бойиди, — дейди битирувчи, майор Латиф Шарипов. — Хизматни давом эттиришга киришар эканман, бор куч-ғайратим, олган билимимни Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилишга, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий қудратини янада мустаҳкамлаш ҳамда юртимиз тинчлигини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга сафарбар этаман.

(ЎзА)

Бугунги кунда жамиятнинг маънавий етуклигига тўсқинлик қилувчи салбий иллатларни енгиб ўтишда партиялар фаоллигини ошириш зарур. → 2

Греция бугунги кунда молиявий-иқтисодий инқирознинг энг оғир жабҳасини бошидан кечирмоқда. Унинг ташқи қарзи 300 миллиард еврога яқинлашиб қолди. → 3

2004-2005 йилларда Амударё тумани туғуруқхона бўлими Осиё Тараққиёт банки талабига мос равишда тубдан реконструкция қилинди. → 3

«Garmoniya — Elit» болалар ва ўсмирлар спорт клубига 4-5 ёшидан келган қизларга дастлаб гимнастиканинг фундаментал асоси ўргатилади. → 4

Ўзбекистонга тез-тез келиб тураман. Бу ажиб диёрнинг асрлар мобайнида сайқалланган қадриятлари ниҳоятда эътиборга сазовор. Ўзбекистонда қурилиш соҳаси жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу шаҳар-қишлоқларингизнинг таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётган қиёфасида, улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида яққол кўзга ташланади.

Ўзбекистон жаҳон илм-фани ва ислом маданияти тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган буюк олимлари, тарихий обидалари билан дунёга машҳур. Индонезияда ўзбек алломаларининг бой маънавий меросини ўрганишга қизиқиш катта».

Агус ТАСРУДИН (Индонезия)

Тоҳиржон — халқаро танлов совриндори

Хушхабар ■ Германиянинг Берлин шаҳрида ўтказилган ёш мусиқачиларнинг «Sforzando» халқаро кўрик-танловида Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчиси, умидли пианиночи Тоҳиржон Асқаров иккинчи ўринни эгаллади.

Дунёнинг ўттиздан ортиқ давлатидан тўққиз ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган юз нафарга яқин мусиқачи иштирок этган кўрик-танловда ўғил-қизлар турли ёш тоифасида ўз истеъдодини намойиш этди. Ўн икки ёшли Тоҳиржоннинг маҳорати, мусиқани нозик ҳис этиши танлов ҳакамлар ҳайъати томонидан юксак баҳоланди.

Жамиятнинг барқарор ривожи

танлаган йўлидан дадил одимлашида аёлларнинг роли, ўзига хос ўрни бор

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

■ 24-25 июнь кунлари Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Фаол аёллар» қанотининг конференцияси бўлиб ўтди. Жонкуяр, фидойи, ташаббускор партия аъзолари, хайрихоҳлари қанотнинг икки йиллик фаолиятини сарҳисоб этишди. Келгуси режалар, ҳаракат стратегияси белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қирғизистондаги воқеалар юзасидан шу йил 18 июнь куни Бухоро вилоятига сафари чоғида берган баёноти сиёсий, эксперт-таҳлилчи ва дипломатия доираларида, хусусан, Қирғизистон оммавий ахборот воситаларида кенг шарҳланмоқда. → 2

Муносабат ■ Чин журналист ўз манфаатларини чеклаб, ўзгалар бахтидан баҳра олувчи шахс. Бу таърифда асло муболаға йўқ. Айрим инжиқ ўқувчи бу иддаога шубҳа билан қараши мумкин. Аммо такрор айтамиз, чинакам қаламкашнинг манфаат деган тушунча борлигини ўйлашга фурсат топмайди, маиший рўзғор шароитини яхшилашга ружу қўймайди. Бу бизнинг тақдиримиздир.

Дил ва диёр ободлиги йўлида

Куни кеча Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан Юртбошимиз йўллаган табрикда қалам аҳлининг бугунги вазифаларини янада ойдинлаштириб берди: **«ўзини юртпарвар деб ҳис қиладиган ҳар бир журналистнинг Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши, бугунги нотинч замонда, айниқса, ён-атрофимиздаги вазият кескинлашиб бораётган бир пайтда она-юртимизни асраш-авайлаш, дўстни душмандан, оқни қорадан ажратишга, аҳолимизни доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашга даъват этишда ўз ҳиссасини кўшиши алоҳида аҳамиятга эга».**

Назаримда, биз фаолиятимиз мезонини шу вазифалар билан ўлчашимиз лозим. Одамлар бор, умр бўйи ўзгаларга ёмонлик соғиниб яшайди. Лекин қалам аҳли уйғоқ сўз билан учқун сачратиб, оламни мунаввар этади.

Кимсалар бор, замондан нолийди, муҳитни заҳарлайди, келажакни кўролмайди.

Қалам аҳли эса ҳаёт гўзаллигию дил ва диёр ободлигидан сўз очади, қалбларга яхшилик уруғини сочади, босган қадамидан ҳикмат излайди.

Ҳикмат излаганга ҳикмат бу дунё. Бойлик, мансаб, ҳою ҳавасдан юз ўгирган баъзи касбдошларимиз ўзларини арши аълода юргандай тутишини кузатгансиз. Ҳа, чинакам ижодкор камтар ва ҳокисор бўлади. Шу эл, шу юрт учун ёниб яшайди. Жамият поқдомонлиги, гуллаб-яшнаши учун жон куйдирган киши албатта, қадр топади. Бунинг бир мисоли сифатида Собиржон Шокаримов, Маҳфиратхон Тожихалилова, Юсуф Ғиёсов, Облокул Эгамов каби устозларни эслаш кифоя. Улар Андижон матбуоти тарихида ўчмас из қолдириш баробарида ҳалолликда ҳамиша ёшларга ибрат бўлишган.

Тан олмоқ жоиз, танқидий, таҳлилий, муаммоли чиқишлар тайёрлаш хамирдан қил суғургандек осон кечмайди. Танқид келажак меваси сифатида баҳоланади. Аммо бу мева аччиқ бўлгани учун чехрасидан чирой қочадиган одамлар йўқ эмас. Эл-юрт манфаати йўлида уларнинг таъқибига дуч келишга чидаса бўлади. Фидойи ва ҳақгўй журналист ҳеч қачон қисматдан қочмайди, унга рўбарў боради, адолат тантанаси учун курашади.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

ОБ-ҲАВО 29-30.06.2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	35°C	36°C
Самарқанд	38°C	39°C
Нукус	40°C	39°C
Қарши	41°C	40°C
Урганч	40°C	38°C
Навоий	37°C	38°C
Фарғона	37°C	36°C
Бухоро	39°C	39°C
Андижон	37°C	36°C
Наманган	37°C	36°C
Термиз	41°C	42°C
Жиззах	37°C	36°C
Сирдарё	37°C	36°C
Тошкент вил.	36°C	35°C
Лондон	27°C	26°C
Париж	32°C	31°C
Москва	23°C	22°C
Мадрид	34°C	33°C
Пекин	27°C	26°C
Гонгконг	33°C	32°C
Рим	33°C	32°C
Анқара	31°C	30°C
Токио	27°C	26°C
Стокгольм	23°C	22°C
Кейптаун	25°C	24°C
Қоҳира	35°C	34°C
Гавана	42°C	41°C
Вашингтон	32°C	31°C

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 29 ИЮНДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1396,58	1 Миср фунти	280,81	1 СДР	2353,41	10 Жанубий Корея вони	13,30
1 Англия фунт стерлинги	2443,38	1 Канада доллари	1540,91	1 Туркия лираси	1014,11	10 Япония иенаси	178,43
1 БАА дирҳами	434,32	1 Хитой юани	234,79	1 Швейцария франки	1460,36	1 Россия рубли	51,33
1 АҚШ доллари	1595,00	1 Малайзия рингити	494,42	1 Евро	2073,50	1 Украина гривнаси	201,66

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Қирғизистондаги воқеалар юзасидан берган баёноти қирғиз жамоатчилиги нигоҳида

Баёнот матни Қирғизистоннинг Муваққат ҳукумати матбуот хизмати томонидан ҳамда мамлакатнинг барча асосий ахборот агентликлари ва оммавий ахборот воситалари, жумладан, Қирғизистоннинг «Кабар» миллий ахборот агентлиги, «24.kg», «Tazar.kg», «Barakelde.org», «For.kg» каби ахборот агентликлари, «Қирғизистон сўзи», «Бишкек оқшоми», «ЭркинТоо», «Ижтимоий рейтинг» газеталари, «Белый Парус», «ВРС» каби интернет порталларида эълон қилинди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов баёнотининг моҳияти Қирғизистоннинг умумреспублика телевидениеси янгиликлар каналларида («КТР», «5-канал», «ЭлТР») қирғиз ва рус тилларида мунтазам эфирга узатилиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг баёноти Қирғизистоннинг кенг жамоатчилиги орасида катта қизиқиш уйғотди.

Хусусан, мамлакатнинг **Муваққат ҳукумати девони ахборот-мувофиқлаштириш маркази мудири, ахборот сиёсати масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи Ф.Ниёзов** ўз мулоҳазаларида, жумладан, қуйидагиларни қайд этди: «Муваққат ҳукуматнинг барча аъзолари, маҳаллий ҳукумат органлари раҳбарлари мамлакат учун ўта мураккаб бўлган ҳозирги вазиятда Ўзбекистон томонидан Қирғизистонга кўрсатилган ёрдамни жуда юксак баҳолаяпти.

Ўзбекистоннинг оқилона сиёсати ва биринчи галда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қирғизистондаги воқеалар борасидаги пухта ва ҳар томонлама ўйланган қарори мамлакат жанубидаги кескинликни камайтиришга хизмат қилади ва мамлакат оддий одамларининг ўзаро муросага келиши, зиддиятнинг тезроқ бартараф этилишига хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга самимий миннатдорлик билдирар экан, Муваққат ҳукумат раиси Р.Отунбоева ўзининг барча баёнотлари, шу жумладан, хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари билан уюштирилаётган расмий суҳбатлар чоғида Ўзбекистон раҳбарига юксак эҳтиромини қайта-қайта изҳор этмоқда».

Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатия академияси ректори, Қирғизистон Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Ж.Сааданбеков:

«Бугун ушбу фожианинг сабаблари ҳақида ўз фикрини айтмаган ва ёзмаганлар жуда кам бўлди. Бироқ воқеага нисбатан муносабат билдирганлар орасида, эҳтимол, фақатгина

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов унинг асосий сабабларига аниқ ва холис баҳо берди — содир этилган фожиаларда ўзбекларнинг ҳам, қирғизларнинг ҳам айби йўқлигини, ушбу қонли можаролар учинчи кучлар томонидан уюштирилганлигини айтди. Қўпорувчилик ҳаракатларини уюштирганларнинг асосий мақсади Ўзбекистонни ҳам бу қарама-қаршиликка тортиш бўлган. Биз, қирғизлар ва ўзбеклар минг йиллар давомида ёнма-ён яшаб келганмиз, ўзаро тил топишга ва ўз муаммоларимизни ўзимиз ечишга қодирмиз.

Нафақат тарихий аҳамиятга эга бўлган ушбу ҳаққоний сўзларингиз, балки Сизнинг жаҳон миқёсидаги доно давлат арбоби ва ўзбек миллатининг муносиб етакчиси эканлигингизни ифода этувчи кескин вазиятни юмшатиш борасидаги оқилона амалий саъй-ҳаракатингиз учун Сизга катта раҳмат, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич».

Иқтисод фанлари номзоди К.Ормушев (Қирғизистон):

«Илгари, ҳукумат тизимларида ишлаб юрганимда, бугунги кунгача доимо мамлакат раҳбариятини, энг, аввало, ҳамиша қирғиз халқига ўзининг ёрдам қўлини чўзган, яқин қўшнисини оғир кунларда ташлаб қўймаган Ўзбекистон билан узоқ муддатли шериклик муносабатларини барпо этишга ишонтиришга ҳаракат қилиб келганман ва ҳозир ҳам шундай қиламан. Ўзбекистоннинг матонат билан ва ҳар томонлама оқилона ўйланган ёндашуви, мен кўриб турганим — қардош ўзбек халқининг раҳбари, улкан ҳурмат ва эҳтиромга муносиб Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг бебаҳо хизматлари фикримнинг яна бир тасдиғидир. Ўзбекистон раҳбари ўзининг сабр-ли, доно ва воқеа-ҳодисаларга нисбатан жиддий муносабатда бўлишини намоён этди, зиддиятнинг кенгайишига йўл қўймади ва қирғиз жамоатчилиги орасидаги кескинликни юмшатишга ёрдам берди. Биз Қирғизистон учун мураккаб бўлган ушбу кунларда Ўзбекистонни Президент Ислом Каримов сиймосида доно, узоқни кўра биладиган давлат арбоби — ўзбек халқининг ҳақиқий етакчиси бошқаргани билан ғурурланамиз».

Мустақил эксперт М.Суюнбоев:

«Ўзбекистон раҳбари барчасини аниқ ва тушунарли қилиб ифодалади. Биз Ислом Абдуғаниевични, биринчи галда, ўз давлати ва мамлакати миллий манфаатларини изчиллик билан, шу жумладан, воқеаларга муносиб тарзда жавоб берган ҳолда қатъий ҳимоя қиладиган давлат раҳбари сифатида биламиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баёноти Ўзбекистон жамоатчилиги каби Қирғизистондаги қирғиз ва ўзбек доиралари учун ҳам бирдек ижобий таъсир кўрсатди. Бунинг устига, бир вақтнинг ўзида, бунақа ҳолат жуда кам учрайди! Айниқса, этник гуруҳлар муносабатлари каби қалтис соҳада. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов яна бир бор ўзининг доно сиёсатчи, ўз миллатининг ҳаққоний етакчиси ва муносиб нуфузу эҳтиромга сазовор бўлган ҳақиқий давлат арбоби эканини намоён этди».

«Себеп» таҳлилий маркази директори О.Молдалиев:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов конструктив аҳамиятга эга бўлган баёнот берди. Унинг хизматларини муносиб тарзда тақдирламоқ керак: 1990 йилдаги Ўш воқеалари даврида ҳам Ўзбекистон раҳбари бу Қирғизистоннинг ички иши, дея баҳолаб, ушбу масалага аралашмаган ва қарама-қаршиликнинг кучайиб кетишига йўл қўймаган. Ўзбекистон нафақат биздаги, балки бошқа давлатлардаги вазиятнинг барқарор бўлишини ҳам назорат қилади, бу эса унга минтақадаги вазиятни беқарорлашувидан манфаатдор бўлган учинчи куч ҳақида хулоса чиқариш ҳуқуқини беради. Биз Ўзбекистон келгусида ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги ишонч ва дўстона муносабатларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилувчи амалий қадамлар қўйишига ишонамиз».

«Дин, ҳуқуқ ва сиёсат» тадқиқот-таҳлилий маркази директори К.Маликов:

— Ўзбекистон раҳбариятининг Қирғизистон жанубида содир бўлган воқеаларга нисбатан ўша вақтда зуҳур бўлган сабр-матонати ва вазиятни теран англагани таҳсинга лойиқдир. Этник гуруҳлар ўртасидаги зиддиятлар ва ўша кунларда Ўш ҳамда Жалолободда содир бўлган воқеалар ўртасидаги чегарани жуда аниқ ажратиб олиш зарур эди. Қирғизистон орқали бутун Фарғона водийсида беқарорлик ҳолатини юзага келтиришга уриниш бўлганди. Тошкент минтақага таъсир ўтказиш учун катта давлатлар тўқнашгани кўриниб турган зиддиятнинг моҳиятини жуда яхши тушунишини намоён этди. Далиллар бизнинг минтақамизда ниқоб тақиб олган кучлар томонидан бутун Марказий Осиёни қайта ташкил этишга ҳаракатлар бўлганини кўрсатади. Ушбу мақсадлар остида нафақат энергия ресурслари учун, балки диний экстремистик ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ ғоявий курашлар ҳам ётибди. Мен Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатларимиз қийин вазиятдан ўз кучимиз билан чиқиш йўлларини излаши лозимлиги ҳақидаги фикрларига қўшиламан.

Сиёсатшунос М.Сариев:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг баёноти ўта зийраклик билан, оқилона ва ўз вақтида амалга оширилган иш бўлди. Ушбу зиддият, шубҳасиз, учинчи куч томонидан уюштирилган хунрезликдир. Маълумки, ушбу воқеалар даврида бизнинг мамлакатимиз орқали катта миқдордаги гиёҳванд моддалар олиб ўтилган.

Гап шундаки, вазият беқарорлашганда, бу жараёнга террорчилар, диний экстремистлар, гиёҳванд моддалар билан шуғулланувчи мафия гуруҳларидан иборат бир неча томон ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда, қора туйнукка яқинлашган каби, суқилиб кираверади».

Ҳарбий эксперт Л.Бондарец:

«Биродар ўзбек халқи Ўзбекистон раҳбари етакчилигида Қирғизистон учун мураккаб кечган шу кунларда қирғиз халқига ниҳоятда муҳим ёрдам кўрсатди. Бу муносиб эҳтиромга сазовордир ҳамда Ўзбекистоннинг минтақадаги қўшни давлатга бўлгани каби ва умуман, бутун дунёда мавжуд бўлиши лозим саналган қийин вазиятларда яқинларига ёрдам қўлини узатишдек бошқаларга ўрнак бўла оладиган инсонийлик ғоялари тарафдори эканини яна бир бор исботлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қирғизистон жанубида содир бўлган воқеалар бўйича баёноти ўз вақтида қилинганлиги ва унда вазиятга берилган баҳо Қирғизистон жамоатчилиги орасидаги кескинликнинг камайишига бевосита таъсир кўрсатгани билан ўта муҳим аҳамият касб этади ҳамда ушбу баёнот бутун минтақада вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қилади».

«Жаҳон» АА,
Бишкек

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг устувор йўналишларига ҳамоҳангдир. Тошкент шаҳар ва Мирзо Улуғбек туман партия кенгашлари ташкил этган «Баркамол авлодни тарбиялашда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ўрни» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда шу ҳақда сўз юритилди.

Ёшларга ғамхўрлик — долзарб масала

Конференцияда мазкур туманда жойлашган илмий-ўқув муассасалари профессор-ўқитувчилари, маҳалла фаоллари, мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари раҳбарлари иштирок этди. Тошкент ирригация ва мелиорация институти доценти Жонон Юнусова мавзу бўйича маъруза қилди. У истиқлол даврида ёшлар манфаати ҳимоя қилинган қонун ва қарорлар қабул қилинганини, маънавий жиҳатдан бой, ахлоқий пок ва жисмонан етук авлод масаласи умумдавлат аҳамиятига молик даражага кўтарилганини таъкидлади.

Халқ демократик партияси ўз Дастурида ёшларга оид вазифаларни белгилар экан, ёш авлод саломатлиги, ўқиши, касб-ҳунар ўрганиши, фан-техника сирларини эгаллаши учун янада кенг шарт-шароит яратиш бўйича қатор масалаларни илгари сурган. Маърузачи партия фаоллари иштирокида туман миқёсида ўтказилаётган тадбирларга алоҳида тўхталди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, ХДП фракцияси аъзоси, иқтисод фанлари доктори Нодир Жумаев ёшларни ишга жойлаштириш масаласи долзарб вазифа экани, жойлардаги партия кенгашлари бу муаммони ҳал этишда фаол иштирок этишлари муҳимлигини таъкидлади, конференция қатнашчиларининг саволларига жавоб берди.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти профессори Тўлқин Юнусов ёш авлод тарбиясида замонавий спортнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, ёшлар ва ўсмирлар жисмоний чиниқишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилгани, мактаб, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юртларида, маҳаллаларда замонавий спорт иншоотлари барпо этилгани тўғрисида сўз юритди. Эндиги вазифа — ундан унумли фойдаланиш, бу борада жамоатчилик назорати олиб бориш, бу ишга партия фаоллари диққат-эътиборини йўналтиришдан иборат.

ТИМИ тўгарак раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Малика Аҳмедова, туман партия кенгаши раиси Саида Содиқова, олима Гулбаҳор Пўлатова, туман партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти етакчиси Насиба Нодиралиева ўтказилаётган тадбирлар таъсирчанлигига эришишда фаолларимизнинг билим ва савияси, сиёсий етакчилик хислатлари алоҳида аҳамиятга эга эканига тўхталдилар.

Конференция якунида бир гуруҳ ёшларга партияга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Абдуваҳоб АБДУБАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП фаоллари ташаббуси билан

Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни муносабати билан Юнусобод туман партия кенгаши тадбир ўтказди. Унда туман прокуратураси, ички ишлар бўлими, Тошкент шаҳар Наркология диспансери, партиямиз «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қаноти вакиллари, Тошкент Педиатрия тиббиёт институти профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

«Соғлом ва фаровон ҳаёт учун»

Учрашув гиёҳвандларнинг ижтимоий-руҳий аҳволи таҳлил қилинган ҳужжатли фильм намойиши билан бошланди. Шундан сўнг, ТПТИ ректори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Алишер Искандаров сўз олиб, бу каби тадбирларнинг ёшлар ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, долзарблиги хусусида фикр юритди.

Юнусобод туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Нигора Эшметова «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида гиёҳвандликка қарши курашиш янада муҳимлигини таъкидлар экан, жумладан, шундай деди:

— Сўнгги йилларда дунё бўйича гиёҳвандликка қарши жиддий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу иллатнинг одамлар ҳаётига хавфи, жамиятнинг яхлит касалланиши мумкинлиги ҳақида ҳам ўйлаш, қайғуриш, унга қарши лойиҳаларни амалга ошириш зарур. Айниқса, баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида ёшларнинг гиёҳвандлик инсоният бошига катта кулфатлар ёғдиришини англаётгани, онгли равишда тушунаётгани муҳим ютуқларимиздан биридир.

Депутат ёшларимизни гиёҳвандликка оид илмий-тарбиявий адабиётлар билан ўз вақтида таништириб бориш зарурлиги хусусида тўхталиб, институт ахборот-ресурс марказига шундай адабиётлар тақдим этди. Янги ўқув йилида фаол талабалар орасида гиёҳвандликка қарши курашишни тарғиб қилувчи гуруҳларни ташкил этиш борасида ўзига хос таклиф киритди.

Юнусобод туман прокурори ёрдамчиси Фарҳод Алтмишев гиёҳвандликнинг зарарли оқибатларини ҳуқуқий баҳолаш ҳақида фикр билдириб, гиёҳвандлик моддаларини етиштириш, олди-сотди ва воситачилигида иштирок этиш ҳолатларига нисбатан миллий қонунчилигимизда тўлиқ меъёрлар яратилганлиги, мазкур жиноий ҳаракатларни содир этган шахсларга қўлланадиган жазо чоралари характери аниқ белгилаб қўйилганлигини таъкидлади.

Маълумотга кўра, 2009 йилда Юнусобод туман прокуратураси томонидан гиёҳванд моддалар савдоси билан боғлиқ жиноятларда айбланган 44 киши жиноий жавобгарликка тортилган. Бу борадаги ишларга прокуратура эътиборини бир дам бўлсада, сусайтириб бўлмайди.

Учрашув давомида Тошкент шаҳар Наркология диспансери врач-наркологи Виктория Задарожнаянинг «Гиёҳванд моддаларнинг руҳий соғлиққа таъсири» мавзуидаги чиқиши тадбирнинг ижтимоий-психологик қийматини янада оширди. Мутахассис гиёҳвандликка берилишда бошланғич сабаб бўлувчи турли руҳий таъсирлар тўғрисида тўхталди.

— Бугунги кунда жамиятнинг маънавий етуклигига тўсқинлик қилувчи салбий иллатларни енгиб ўтишда партиялар фаоллигини ошириш зарур, — деди Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари, «Фаол аёллар» қаноти раиси Маргарита Аҳмадбекова. — Партия фаолият мезонини белгилашда жамиятнинг хилма-хил қатламларига бевосита кириб борувчи, давлат органлари, ижтимоий институтлар ўртасида ҳар томонлама мукаммаллаштирилган соғлом жамият ғоясини тарғиб этувчи етакчи, фидойи кучга айлана олиши керак. Албатта, бу борада депутатлар фаоллиги ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб қолаверади.

Шунингдек, у гиёҳвандликка оид мавжуд қонунчилик меъёрларини янада такомиллаштириш гиёҳванд моддаларни қабул қилувчиларга нисбатан қонуний жазо меъёрларини қатъий белгилаш лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Йиғилиш сўнггида ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмак берувчи амалий лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича иштирокчи органларнинг масъуллари ўртасида ўзаро ҳамкорлик режалари келишиб олинди. Бу эса аввало инсоннинг, хусусан, ёшларнинг соғлом ва оғоҳ бўлишига хизмат қилади.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ

Жамиятнинг барқарор ривожи

танлаган йўлидан дадил одимлашида аёлларнинг роли, ўзига хос ўрни бор

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қатнашчилар дастлаб халқимизнинг эзгу удум ва анъаналарига ҳурмат бажо келтирган ҳолда тарихий ва меъморий обидаларни, муборак масканларни зиёрат қилишди. Конференция давомида, шунингдек, Самарқанднинг юраги ҳисобланган Регистон майдонидаги Тиллакори ёдгорлик мажмуида касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизлар тайёрлаган ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

— ЎзХДП томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланган депутатлар, партия фракцияси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар

киритиш устида иш олиб борилаяпти. Аёлларнинг илмий, маданий савиясини кўтариш бугунги кунда партиямиз олдига қўйилган мақсад ва вазифалардан ҳисобланади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Комила Каромова. — Гувоҳи бўлганимиздек, халқимиз орасида оддий ҳунармандчилик фаолияти орқали бетакрор санъат асари яратаётганлар жуда кўп. Биз уларни қўллаб-қувватлашимиз, ҳар томонлама ёрдам беришимиз лозим.

Миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмасидан сўнг қатнашчилар Тошкент кўчасида жойлашган касаначилик асосидаги тикувчилик мажмуига бордилар.

— Болага ота-она меҳри сув ва ҳаводек зарур, — дейди «Фаол аёллар» қаноти фаоли Саноат Зоҳидова. — Шу асосда мен касаначиликни қўллаб-қувватлайман. Бунда аёлларимиз ҳам уй иши, фарзанд тарбияси ва фойдали меҳнат билан шуғулланади.

Конференция фаоллик, ишчанлик руҳида ўтди. Партиядан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, фаол аёллар қаноти етакчилари, фаол аёллар иштирок этган анжуманда камчиликлар рўй-рост айтилди. Уни бартараф этиш режаси белгилаб олинди.

— Юқоридаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чораларини қатъий кўриш керак, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Партиямизнинг олдида улкан режалар турибди. Уни адо этиш ҳар биримиздан давр руҳига мос тарзда меҳнат қилишни, янги-янги ташаббусларни ҳаётга жорий этишни талаб қилади.

Партия электорати биздан амалий ишларни кутмоқда. Қачонки, хайрихоҳлар, партия аъзолари ўзини қийнаётган масала ечимини партия кўмагида топса, бизнинг ғояларимизда ўз манфаатини кўрса ҳамда уларнинг амалга ошишига ишонса, ўшанда партиянинг электорат олдидаги обрўси юксалади. Уни адо этилишига ҳаммамиз масъулмиз. Буларнинг барчасини баландпарвоз сўзлар эмас, бугунги давр талаби деб қабул қилайлик.

— Жамиятнинг ҳар томонлама барқарор ривожланиши, ўзи танлаган йўлдан дадил одимлашида аёлларнинг салмоқли роли, ўзига хос ўрни бор. Зеро, тарбия аталмиш энг масъулиятли вазифа айнан аёллар билими, салоҳияти ва меҳнатига боғлиқ эканини унутмайлик, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Мухтасар Абдурахмонова. — Биз бугунги анжуманда амалий ишларга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва ролини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш партиянинг стратегик режаларидан биридир. Сайловолди жараёнида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратган эдик. Ушбу ғояларни амалга ошириш учун куч ва салоҳият, тажрибамиз етарли. Фақатгина улардан тўғри фойдаланиш зарур.

Мамлакатимизда биз аёллар учун жуда кенг имкониятлар яратилган. Биргина сайлов жараёнини эътиборга оладиган бўлсак, сайловолди номзоди қўйилган аёлларга 30 фоизлик квота берилиши бу катта аҳамиятдан далолат бермайдими?

ЎзХДП аъзолари 368,214 нафарни ташкил этса, шундан 144603 нафари хотин-қизлардир. Албатта, бу катта куч. Биз-нинг асосий мақсадимиз ундан самарали фойдаланиш, партиядошлар ва хайрихоҳлар билан биргаликда аҳолининг ичига кириб бориш, айниқса, қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлашдан иборат. Партиямиз фаол аёллари бунинг уддасидан чиқишмоқда. Аммо ҳали ечимини кутаётган масалалар жуда кўп.

Қатор вилоят, шаҳар ва туманларда аёллар қанотининг фаоллиги сезилмаяпти. Жумладан, Сурхондарё, Сирдарё, Андижон вилоятларидаги партиямизнинг «Фаол аёллар» қаноти ишидан қониқмаяпмиз.

Айрим вилоятларда ташаббускор, ташкилотчи хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларни партия атрофида мустаҳкам жипслаштириш имконияти етарли бўлса-да, бу борада ташкилотчилик, ташаббускорлик етишмаяпти. Мамлакатимиз Президенти, республика ҳукумати томонидан аёлларга мислсиз имкониятлар, катта имтиёзлар берилаётган вақтда биз унга ҳамоҳанг тарзда қадам ташламасак, ҳеч қачон мақсадга эриша олмаймиз.

— Ўтган икки йил биз учун катта синов даври бўлди, — деди ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Андижон вилоят бўлими раҳбари Турғуной Тожибоева. — Камчиликларимиз бор. Анжуманда олган қувват, янги ғоялар билан муаммоларни бартараф этишга киришамиз.

Шунингдек, қанотнинг II Республика конференциясида жойларда кадрлар қўнимсизлигининг олдини олиш, электорат манфаатларини ҳимоялаш, аёллар ва ёшларни касбга йўналтириш, меҳнатга қобилиятлиларини иш билан таъминлаш сингари долзарб масалалар ечими билан боғлиқ таклиф атрофлича муҳокама этилди. Галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Анжуман сўнгида ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти II Республика конференциясининг қарори қабул қилинди. Унда қанотнинг асосий фаолияти йўналишлари, уларни такомиллаштириш чоралари белгиланди.

Абдували ХУДОЁРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Малакали тиббий хизмат кўрсатиш

вазифамиздир, дейди Амударё тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори, ЎзХДП фаоли Олимбой Ҳалимов

2010 йил — Баркамол авлод йили

Аҳоли соғлиги жамият тараққиётининг бош омилидир. Қаерда инсонлар саломат бўлса, тинчлик ва тотувлик ҳукм сурса, ўша ерда ободлик, файз-барака бўлади. Шу маънода Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ва унинг самараси кишини қувонтиради.

Амударё туманида 161 минг аҳоли яшайди. Сўнгги бешўн йил ичида бу ерда тиббиёт соҳасида катта ўзгаришлар қилинди. Бердақ номли, «Қанғли», «Оқ олтин», «Қиличбой», «Ўзбекистон», «Қипчоқ» қишлоқларида амбулаториялар замонавий қишлоқ врачлик пунктларига айлантирилди. «Тез тиббий ёрдам» бўлими аҳолининг чақириқларини қабул қилиш учун алоқа воситалари билан таъминланди. Аҳоли исталган пайтда Сайёр тиббий бригада билан боғланиши учун 2 та автомобилда радио алоқа воситаси ишлаб турибди.

Ҳозир туман тиббиёт бирлашмаси таркибида марказий шифохона, кўп тармоқли поликлиника ҳамда 16 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Бу жабҳада 343 нафар малакали мутахассис, 1431 нафар ўрта тиббий ходим меҳнат қилмоқда.

Шунингдек, тумандаги 16 та қишлоқ врачлик пунктига юридик мақом берилди. Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари молиялаштирилди ва банкда ўз ҳисоб рақамига эга бўлди. Шу билан бирга, 7 та қишлоқ врачлик пункти барпо этилди. 9 та қишлоқ врачлик пункти қиймати 20 миллион сўм бўлган замонавий тиббий асбоб-анжом билан таъминланди.

«Саломатлик-2» ҳамда «Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» лойиҳалари бўйича марказий шифохонанинг туғруқхона бўлими қайта жиҳозланди. Ҳозир қиймати 68 минг 275 АҚШ долларига тенг замонавий тиббий жиҳозлар шифокорлар оғирини енгил қилмоқда.

Шарт-шароитнинг яхшиланиши, табиийки, аҳолига тиббий хизмат сифати ўсишига замин яратади. Бугун оналар ва болалар соғлиғи ишончли асосда ҳимояланди. 2004-2005 йилларда туғруқхона бўлими Осиё Тараққиёт банки талабига мос равишда тубдан реконструкция қилинди. Қишлоқ ва овул врачлик пунктларида дорихона шохобчаси барпо этилди ва уларнинг изчил ишлаши йўлга қўйилди.

Биз бу хайрли ишлар ҳақида ҳикоя қилишимизга сабаб — тиббиёт ходимлари партиямизнинг электорати ҳисобланади. Уларнинг ҳар бир ютуғи бизга қувонч бағишлайди. Эътибор қилинг, туман тиббиёт бирлашмасининг кўпдан-кўп шифокор ва ҳамширалари Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг аъзоси бўлиб қолмай, партиямиз ғояларини эл ичида тарғиб этувчи фидойилардир. Бирлашмада Шуҳрат Чоршаъмов раислик қилаётган бошланғич партия ташкилотига 60 нафардан зиёд аъзо бирлашган. Улар тез-тез аҳоли орасида бўлади, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, партиямиз дастурида илгари сурилган эзгу ғоялар ҳақида суҳбатлар ўтказади, турли касалликлар ва улардан сақланиш борасида мулоқот қилади.

Туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Олимбой Ҳалимов 37-Манғит сайлов округидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати.

— Мамлакатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга ошириш бўйича фармони ишимизда дастуриламал бўлмоқда, — дейди Олимбой Ҳалимов. — Бу жараён шуни кўрсатадики, аҳолининг соғлиғини сақлашда уларнинг тиббий билими жуда муҳим ўрин тутади.

Кези келганда шуни айтиш керакки, тиббиёт бирлашмаси овул фуқаролар йиғини, маҳалла оқсоқоллари билан изчил ҳамкорлик қилиб келади. Улар аҳоли орасида репродуктив саломатлик, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий маданиятни ошириш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш мавзуида суҳбатлар ўтказади, савол-жавоблар ташкил этади.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳар бир соҳада ўз зиммасидаги вазифани ҳалол адо этса, саволга ўрин қолмайди. Ҳаёт тўлақонли ҳаракат билан олға интилади. Амударё туман тиббиёт ходимлари ана шундай интилиш ва саъй-ҳаракат билан эл-улус меҳрига сазовор бўлмоқда.

Саида САЙХУН,
Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Сочи олимпиадаси учун футболкалар

Сирдарёда тайёрланмоқда

ЎзХДП: электорат манфаати

Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида «МосЯнтекс» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси 2004 йили иш бошлаган эди. Ўшанда бу ерда 26 киши меҳнат қилган.

Жамоа асосан футболкалар, спорт, болалар ва аёллар кийимлари ишлаб чиқаради. Дастлаб маҳсулот учун хомашё — мато бошқа вилоятдан келтирилади. Шу ернинг ўзида яна бир қўшма корхона — «КарментаЯнтекс» ташкил этилганидан сўнг мато ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, маҳсулот таннархи арзонлашди, яна 53 киши доимий ишли бўлди. Яқинда Оқолтин ва Ховос туманларида ҳам корхона филиаллари очилди, ҳозир уларнинг ҳар бирида 50 нафардан киши хизмат қилмоқда.

Дарвоқе, «МосЯнтекс»нинг ўзида бугун 96 киши, асосан қизлар ва аёллар ишлайди. Улар тайёрлаётган футболкалар юз фоиз четга экспорт қилинади. Бошқа маҳсулотлар эса маҳаллий бозорга ҳам чиқарилади.

— Айни пайтда Россияда Сочи олимпиадасига жуда катта тайёргарлик кўрилмоқда, — дейди корхона иш юритувчиси, ЎзХДП фаоли Юлдуз Ҳайдарова. — Бизнинг корхонамизга ҳам мазкур олимпиада учун 86 минг дона турли футболкалар буюртма қилинган. Ҳозир «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси остида уларнинг буюртмасини тайёрламоқдамиз.

Партиямиз дастурий ҳужжатларида уй меҳнати — касаначиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Биз ҳам корхонамизда касаначиликни йўлга қўйдик. Қарасак, матони қирққанда ёнидан узун-узун қийқими чиқаяпти. Мана шу чиқиндидан гиламча, шолчалар ва уйрўзғор учун керакли бошқа маҳсулотлар тайёрланаяпти. Тошкент шаҳрида ташкил этилган «Қўли гулдир ўзбек аёлин» кўргазмасида мазкур маҳсулотларимизнинг намуналарига харидор жуда кўп бўлди.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ «ФАРҒОНА» АЭРОПОРТИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:

«Фарғона вилояти, Фарғона шаҳридаги «Фарғона» аэропортининг ёқилғи-мойлаш материаллари омборини мукаммал таъмирлаш» ҚМИга.

Муддати — 25.09.2010 й.
Бошланғич нархи: — 402 000 000 сўм ҚҚС билан,
— 335 000 000 сўм ҚҚСсиз.
Буюртмачи: «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «Фарғона» аэропорти.

Манзили: Фарғона шаҳри, Ҳасанова кўчаси, 16-уй, тел: 226-54-61, 226-29-96. факс: 226-23-31.

Таъмирлаш ишлари ўз маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқа эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-74-20, 224-18-76

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

Марказий банк Фарғона вилоят Бош бошқармаси

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:

«Фарғона шаҳар, Ал-Фарғоний кўчаси, 9-уйдаги Марказий банк Фарғона вилоят Бош бошқармасининг биносини мукаммал таъмирлаш» ҚМИга.

Муддати — 75 кун
Бошланғич нархи: — 368 640 000 сўм ҚҚС билан,
— 307 200 000 сўм ҚҚСсиз.
Буюртмачи: Марказий банк Фарғона вилоят Бош бошқармаси.
Манзили: Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 9-уй, тел: (373)224-21-30
Таъмирлаш ишлари ўз маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқа эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Хорижда

Қарздан қутулиш учун

оролларни сотувга қўймоқчи

Маълумки, Греция бугунги кунда молиявий-иқтисодий инқирознинг энг оғир жабҳасини бошидан кечирмоқда. Унинг ташқи қарзи 300 миллиард еврога яқинлашиб қолди. Шу боис ҳам Европа Иттифоқининг евро пул бирлиги муомалада бўлган 16 та давлати раҳбарлари май ойи бошида Грециягa 110 миллиард евро (145 миллиард доллар) миқдорида кредит ажратишга келишиб олдилар.

Бу эса мамлакатда иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш шарти билан берилди. Ислоҳотлар эса давлат сектори харажатларини қисқартиришни талаб этади. Бироқ булар қарздан қутулиш учун камлик қилади. Шунинг учун ҳам Греция маъмурияти ўз тасарруфидаги 6 мингта серқуёш, халқаро сайёҳларни ўзига жалб этувчи оролларни сотишга ёки узоқ муддатга ижарага беришга қарор қилди.

«The Guardian» газетаси манбаларига асосланиб InoPressa.ru сайти хабар тарқатишича, халқаро сайёҳларни кўп жалб этувчи Миконосо ва Родос оролларни яқин кунларда сотувга қўйилиши мумкин.

Аҳолини кўчириш учун

тайёргарлик кўрилмоқда

Одесса вилоятида тинимсиз ёмғир ёғиши Дунай дарёси сатҳи кўтарилишига сабаб бўлмоқда.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳудудий бошқармасидан маълум қилишларича, дейилади ИТАР-ТАСС ахборотида, сув тошқини юзага келиши хавфи кундан-кун кучайиб бормоқда. Дунай гидрометеорология обсерваторияси огоҳлантиришича, ёмғирли кунлар яна уч кун давом этиши мумкин. Бу эса Дунайнинг Украина қисмида сув сатҳининг 20 сантиметрга кўтарилишини ва ўзанидан тошиб кетишига олиб келиши мумкин. Шу боис хавфли ҳудудлардан одамларни кўчиришга тайёргарлик бошланди.

Нефть доғи

бактериялар ёрдамида йўқ қилинади...ми?

АҚШнинг Алабама университети олимлари Мексика кўрфазидаги нефть доғини тезроқ йўқ қилиш йўлларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот ўтказиш учун махсус грантни қўлга киритдилар.

«Информнаук» сайтидаги хабарда қайд этилишича, биолог олимлар нефть доғи углеводородларининг биологик парчаланишини табиий денгиз субстратлари ёрдамида тезлатиш усулини ишлаб чиқиб, синовдан ўтказишмоқчи. Яъни улар углеводородларни парчаловчи денгиз микроорганизмлари — бактериялар бор-йўқлигини аниқлаш ва, керак бўлса, уларни яратиш устида иш олиб борадилар.

Эслатиб ўтамиз: «British Petrolium» компаниясига қарашли Мексика кўрфазидаги «Deepwater Horizont» нефть платформасида 20 апрель куни кучли портлаш юз бериб, 36 соат ёнғин бўлди. 22 апрелда эса платформа денгиз тубига чўкиб, нефть денгизга оқа бошлади. Натижада АҚШнинг Луизиана, Алабама ва Миссисипи штатлари ҳамда уларнинг атрофларида кенг миқёсли экологик хавф юзага келди.

«Қора олтин»нинг нефть қудуғидан денгизга оқишини тўхтатиш учун бир неча бор уринилган бўлса-да, ҳанузғ уни тўлиқ тўхтатиб бўлмаяпти. Айнан нефть оқишини тўхтатиш ишларига компания томонидан ажратилган маблағ шу ҳафтада 2 миллиард долларга етди.

Яна 17 мингта машина

қайтариб олинади

Японияннинг «Toyota» йирик автоконцерни жорий йилда ишлаб чиқарилган ва сотилган «Lexus» русумидаги «HS250h» моделли автомобилларининг ёнилғи тизимида аниқланган носозлик боис 17 мингта машинани қайтариб олишга қарор қилди.

«Associated Press» АА маълум қилишича, АҚШнинг автотранспортлар ҳаракати хавфсизлиги бўйича миллий бошқармаси сотиб олинган ушбу автомобилларни махсус тест синовидан ўтказган. Маълум бўлишича, автомобилга орқа томондан берилган зарба, ёнилғи тизимини ишдан чиқариб, ёнилғининг томчилаб оқиб кетишини юзага келтираркан. Бундай тест синовлари Японияда, аниқроғи, автоконцернда ҳам ўтказилган, аммо салбий натижа кузатилмаган эди. Лекин шундай бўлса-да, автоконцерн маъмурияти мижозлар ишончини оқлаш учун автомобилларни қайтариб олишга рози бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йилнинг охири ва жорий йилнинг бошларида ҳам автоконцерн сотувга чиқарган автомобилларнинг айрим қисмларида носозликлар аниқлангани боис, дунё мамлакатларидан 9 миллионга яқин машинани қайтариб олишга мажбур бўлган эди.



САЛОМАТЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК АСОСИ

Бадиий гимнастика

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг жорий йилда ўтган йиғилишида таъкидлаганидек, юртимизда қизларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ёндашувни талаб этади. Бу борада мамлакатимизда спортнинг қизларга мос бадиий гимнастика, синхрон сузиш, теннис, стол тенниси, енгил атлетика каби турларини жадал ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Бадиий гимнастикада жисмоний тарбия, спорт, мусиқа ва санъат каби фарзанд тарбиясида муҳим аҳамият касб этадиган воситалар мужассам. Бугунги кунда юртимизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган 600 дан ортиқ спорт залида 10 минг нафардан зиёд қиз малакали мураббийлар раҳбарлигида бадиий гимнастика билан мунтазам шуғулланмоқда.

— Юртимизда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини мустаҳкамлаш, фарзандларимизни соғлом турмуш тарзига ўргатиш, ўғил-қизларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шароит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган, — дейди пойтахтимиздаги бадиий гимнастикага ихтисослашган «Garmoniya — Elit» болалар ва ўсмирлар спорт клуби раҳбари Людмила Зюряева. — Қизларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, уларда гўзаллик ва нафосатни тарбиялаш мақсадида бадиий гимнастикага ихтисослашган спорт клубини ташкил этдик.

2008 йилда ўз фаолиятини бошлаган «Garmoniya — Elit» спорт клубида айни пайтда бир юз йигирмадан зиёд қиз мазкур спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Етти нафар малакали мураббий уларга бадиий гимнастика сирларини босқичма-босқич ўргатмоқда.

Бошқа спорт турларидан фарқли ўлароқ, бадиий гимнастика билан шуғулланиш учун келган қизларга деярли ҳеч қандай талаб қўйилмайди. Фақат боланинг соғломлиги ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга қодирлиги инобатга олинади. Ота-оналар қизларини 4-5 ёшидан бошлаб гимнастика билан шуғулланишга бериши мумкин. Машғулотлар ўтказилаётган зал гимнастика ғилами ва бадиий гимнастикада фойдаланиладиган арғамчи, тасма, тўп, ҳалқа каби жиҳозлар билан таъминланган. Шунингдек, хореография зали ҳам қизлар ихтиёрида. Улар бу ерда бадиий гимнастиканинг таркибий қисми бўлган артистизм ва нафис ҳаракатланиш сирларини ўрганади.

«Garmoniya — Elit» болалар ва ўсмирлар спорт клубига 4-5 ёшидан келган қизларга дастлаб бадиий гимнастиканинг фундаменталь асоси ўргатилади. Гимнастика билан ўз саломатлигини мустаҳкамлаш учун шуғулландиган қизлар соғломлаштириш гуруҳларига қабул қилинади. Ҳозир ана шундай тўртта гуруҳ фаолият кўрсатмоқда. Уларда 15-18 нафар қиз ҳафтасига уч марта ўтказиладиган машғулотларда қатнашади.

— Набирам Саида олти ёшда, — дейди Мирзо Улуғбек туманида яшовчи Малоҳат Ҳасанова. — Бир йилдан буён бадиий гимнастика билан шуғулланади. Саиданинг саломатлиги сезиларли даражада мустаҳкамлангани бизни қувонтирмоқда.

«Garmoniya — Elit» спорт клуби фаолиятининг яна бир йўналиши шуғулланаётган қизлар орасидан энг иқтидорлиларини саралаб олиб, улардан маҳоратли гимнастикачиларни тарбиялашга қаратилган. Бунинг учун беш гуруҳ тузилган ва уларда спортчи бўлиш истагини билдирган қизлар ҳар куни уч соат давом этадиган машғулотларда қатнашиб, маҳорат ва тажрибасини оширмоқда.

— Мамлакатимиз бадиий гимнастикачиларининг халқаро миқёсда қўлга киритаётган салмоқли ютуқлари кўплаб қизларни мазкур спорт турига жалб этмоқда, — дейди Л.Зюряева. — Айниқса, жорий йилнинг февраль ойида пойтахтимизда ўтган Осиё чемпионатидаги ўзбек гимнастикачиларининг муваффақияти натижасида бугун Азиза Мамажонова, Ҳусниябону Ғуломова, Сарвина Холиқова, Луиза Ғаниева, Зарина Қурбоновага ўхшаб моҳир спортчи бўламан, деган қизалоқларнинг сафи тобора кенгаймоқда. «Garmoniya — Elit» спорт клубида шуғулланаётганлар орасида ҳам спортда юқори чўққиларни забт этишга қодир иқтидор эгалари талайгина. Ўндан зиёд тарбияланувчиларимиз мамлакат биринчиликларида мунтазам қатнашиб келмоқда.

Етти ёшли Лола Зокированинг интилишлари мутахассислар томонидан юқори баҳоланмоқда. Пойтахтимиздаги 110-умумтаълим мактабида таҳсил олаётган бу қизалоқ спортчи сифатида халқаро майдонда дастлабки ютуқларини қўлга киритди. Лола 2009 йили Россиянинг Новосибирск шаҳрида ташкил этилган иккита халқаро мусобақада муваффақиятли қатнашиб, «Сибирь юлдузлари» анъанавий халқаро турнирида биринчи ўринни, «Baby Cup» мусобақаларида иккинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, ўтган йили Ўзбекистон гимнастика федерацияси ва «Garmoniya — Elit» спорт клуби ҳамкорлигида Бухоро шаҳрида клублар ўртасида ўтказилган «Мовий гумбаз» халқаро турнирида кучли учликдан жой олди.

Бадиий гимнастика — навқиронлик, гўзаллик демакдир. Иқтидор ва салоҳият бобида, ғайрат-шижоатда ҳеч кимдан кам эмаслигини намоён этаётган бадиий гимнастикачиларимиз сафи кенгайиб бораётгани қувонарли. Чунки улар ўзлари ортидан яна минглаб қизларни соғлом турмуш тарзи сари етакламоқда. Бугун кўплаб ёшларимиз ўзи танлаган соҳада ўз эзгу мақсадларини амалга ошириш учун муттасил ҳаракат қилмоқда. Уларнинг бундай олижаноб орзу-ниятлари рўёбга чиқиши муқаррар. Зеро, мамлакатимизда навқирон авлоднинг ўз салоҳиятини тўла намойиш этиши, билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши ва спорт билан мунтазам шуғулланишини таъминловчи мукаммал ҳаётий тизим йўлга қўйилган.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири

Осиё очиқ чемпионати...

■ Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида муайтай бўйича Осиё очиқ чемпионати бўлиб ўтмоқда. Унда АҚШ, Канада, Эрон, Қозоғистон, Перу, Исроил, Қирғизистон, Ҳиндистон сингари йигирмага яқин давлат вакиллари ўн тўрт вазн тоифасида ғолиблик учун майдонга тушади. Мазкур нуфузли мусобақада Ўзбекистон муайтайчилари энг кучли таркиб билан иштирок этмоқда.

— Кейинги йилларда мамлакатимизда ушбу Шарқ яккакураш тури жадал ривожланмоқда, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Раҳматжон Рўзиохунов. — Ҳозир юртимизда муайтай билан шуғулланувчилар сони ўн минг нафардан ошиб кетганлиги ҳам сўзимиз тасдиғидир. Барча вилоятларда федерация бўлимлари мунтазам фаолият кўрсатаётганлиги сабабли терма жамоа таркибига ҳам кўплаб иқтидорли спортчилар жалб этилмоқда. Ўтган йили Таиландда дунёнинг саксон икки мамлакати вакиллари рингга кўтарилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон муайтайчилари икки олтин, учта кумуш, учта бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Осиё очиқ чемпионатида мутахассислар ҳамюртларимиз Лочин Миролимов (45 кг), Шерзод Сотқинов (48 кг), Ғуломжон Ҳалимов (51 кг), Аҳмад Мирзаев (54 кг), Даврон Эшонхўжаев (57 кг), Абдулла Худойбердиев (60 кг), Фирдавс Холмуродов (63 кг), Азиз Назаров (67 кг), Мавлон Қаҳҳоров (72 кг), Санжар Юсупов (75 кг), Артур Қодирқулов (81 кг), Жавлон Назаров (86 кг), Жасур Мирзамуҳаммедов (91 кг), Жобир Тошпўлатов (+91 кг)га ишонч билдиришган.

Мусобақанинг барча ғолиб ва совриндорлари номи 30 июнь куни маълум бўлади.

«Шўртан» — ярим финалда!..

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги ярим финалчилари номи аниқланди.

■ Чорак финал босқичининг кутилмаган натижаси «Шўртан» — «Пахтакор» жамоалари учрашувида қайд этилди. Мазкур жамоаларнинг Тошкентда ўтган дастлабки баҳси ғузорлик футболчиларнинг ғалабаси билан якунланганди — 1:2. Жавоб учрашувида жамоалар муроса йўлини танлашди — 1:1. Икки ўйин натижасига кўра, «Шўртан» футболчилари ярим финалда тўп суришади.

Яна бир қизиқарли учрашув «Бунёдкор» — «Андижон» жамоалари ўртасида кечди. Аввалига 4:1 ҳисобида зафар қучган бунёдкорчилар жавоб ўйинида ҳам ғалаба қозонди — 3:1.

Чорак финалнинг қолган икки учрашувида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Локомотив» БФК — «Нефтчи» — 2:4 (биринчи ўйин — 0:3), «Динамо» — «Локомотив» — 2:1 (1:3).

Энди ярим финал баҳсларида «Локомотив» — «Шўртан», «Бунёдкор» — «Нефтчи» жамоалари ўзаро куч синашади.

Башоратлар ўзини оқламаяпти

■ Жанубий Африка Республикасида ўтказилаётган XIX жаҳон чемпионатида бирин-кетин кучлилар сараланмоқда. Франция, Италия сингари дунёнинг номдор терма жамоалари гуруҳ босқичидаёқ мусобақа билан хайрлашди.



Чемпионатнинг плей-офф босқичи баҳслари ҳам янада шиддатли ва муросасиз давом этмоқда. Нимчорак финалнинг дастлабки учрашувида Уругвай — Жанубий Корея терма жамоалари ўзаро рўбарў келишди. Бу учрашувда уругвайликларнинг имконияти юқори баҳоланган бўлса-да, улар чорак финал йўлланмасини қўлга киритиш учун анча тер тўкишди — 2:1. АҚШ — Гана терма жамоалари баҳсининг асосий вақтида кучлар тенг келди — 1:1. Қўшимча вақтда рақиблари дарвозасига яна бир бора тўп киритган ганаликлар чорак финалчилар сафидан жой олишди — 1:2.

Мусобақа олдидан кўпчилик Англия футболчиларини ғолибликка асосий даъвогарлардан бири сифатида башорат қилишганди. Аммо футбол ватани вакиллари нимчорак финалда Германия терма жамоасига йирик ҳисобда имкониятни бой беришди — 1:4. Гуруҳ босқичида барча учрашувни ғалаба билан якунлашга муваффақ бўлган Аргентина футболчилари нимчорак финалда Мексика терма жамоасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Кеча кечқурун 1/8 финалнинг яна икки учрашуви ўтказилди. Голландия — Словакия (2:1), Бразилия — Чили терма жамоалари майдонга чиқишди.

Эркин ХОЛБОБО

Қинғир иш — келтирар ташвиш

Фарғоналик Ботиржон Мўсинжоновнинг қўлида ишлаб топган пули бор эди. Лекин бу маблағни қандай кўпайтириш мумкин? У анча ўйлади. Лекин ҳалол меҳнат билан фойда кўришнинг кўплаб имкониятлари бўлса-да, у қонунга зид йўлни танлади...

Савдо пишганди, аммо...

У Фарғона шаҳрининг Марказий деҳқон бозорида ноқонуний фаолият юритувчи валюта сотиш жойига келди. Илк «савдо» яхши бўлди. Кейин иккинчиси, учинчиси. Хуллас, у «бозор»дан мустаҳкам ўрин олиб, сармоясини бир неча бараварга кўпайтиришга улгурди. Лекин унинг «бизнес»и узоқ давом этмади.

СВОЖЖДЛҚК департаменти Фарғона шаҳар бўлими ходимлари томонидан чет эл валютасини қонунга хилоф равишда олиш, ўтказиш ва сотиш билан шуғулланувчи бу шахснинг фаолиятига тезда барҳам берилди.

Харидор Юнусали Акбаров билан 2500 АҚШ доллари сотиб олишга келишди. Кеч соат 18^{00} чамаси, танишининг «Ласетти» русумли автомашинасида белгиланган жойга етиб келган Ботиржон уни кутиб турган харидорга ҳар бир АҚШ долларини 2160 сўмдан сотишини айтди. У чўнтагидаги 24 дона 100, 1 дона 50, 2 дона 20 ҳамда 1 дона 10 АҚШ доллари купюраларини Юнусалига беришдан олдин гулли пакетга ўралган 5.400.000 сўмни санаб олиши лозимлигини таъкидлади. Пуллар ўзаро алмашинаётган вақтда департамент ходимлари етиб келишди ва холислар иштирокида ашёвий далил сифатида олинди. Департаментнинг Фарғона шаҳар бўлимига бориб, ҳужжатлар расмийлаштирилди. Ботиржон ўз айбига тўла иқрор бўлди.

Б.Мўсинжоновга нисбатан қонунчилик доирасида жазо белгиланди. Унга тегишли бўлган ва тадбир давомида қўлга олинган 2500 АҚШ доллари давлат фойдасига мусодара қилинди.

Ботиржон шуғулланаётган «ҳунар»и билан узоққа бориб бўлмаслигини, ноқонуний иш ортидан келадиган ташвишни билмасмиди? Биларди, аммо нафс унинг ақлини шоширган, ўзини эса йўлдан оздирган эди. Пул топишнинг ноқонуний усули ҳеч қачон ҳеч кимга яхшилик келтирмаган.

Козимжон ЗОҲИДОВ,
Фарғона шаҳар прокурори катта ёрдамчиси.

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

манфаатли шартларга асосланган «Умид» омонатини таклиф этади.

Омонатга маблағлар 15 ой муддатга йиллик 25 фоиз миқдорида даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади. Омонат бўйича ҳисобланган фоиз даромадлари омонат шартномаси амал қилиш муддати давомида мижознинг ихтиёрига кўра унинг биринчи талаби бўйича берилиши таъминланади.

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Қўшимча маълумотларни 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензиялашган

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teridi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 549
13355 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 23.20
2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda